

INNOVATIONS IN SCIENCE AND EDUCATION SYSTEM

DEHLI, INDIA - MARCH 7

<https://eijmr.org/conferences/index.php/eimrc>

ГИПОКИНЕЗИЯ МОДЕЛИНИНГ КАЛАМУШЛАРДА ЖИГАР ФУНКЦИОНАЛ ПАРАМЕТРЛАРИГА ТАЪСИРИ

Думаева Зухра Насирдинова

Андижон давлат университети доценти

Жалолова Зарнигор

Андижон давлат университети магистранти

Холдаралиева Наргиза

Андижон давлат университети магистранти

Аннотация: Ҳар қандай эмоционал ёки физик таъсир организмнинг динамик мувозанатидан чиқишига турткі бўлади. Ўзгарган шароитга мослашув жараёни организмнинг ички мухитда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришнинг олдини олиш ёки маълум даражада камайтиришга йўналтирилган реакциялар мажмуи вужудга келади.

Калит сўзлар: гидролитик ферментлар, қон, жигар, депо, гипокинезия, инкреция.

Abstract: Any emotional or physical impact causes the body to go out of dynamic balance. Adaptation to the changed conditions is a set of reactions aimed at increasing or reducing to a certain extent the absorption that can be used in the internal environment of the injured organism.

Key words: hydrolytic enzymes, blood, liver, depot, hypokinesia, incretion.

Ҳазм безлари ферментларининг қонга ациноцитлардан базолатерал мембрана орқали инкреция бўлиши морфологик исбот қилинган. Гидролитик ферментлар ва уларнинг зимиенлари қонга ташилиши бир неча механизимлар ёрдамида: ингичка ичак бўшлиғидан, емирилигидан ациноцитлардан, безнинг шира чиқарув йўлларидан ва ациноцитлардан инкрецияланиш орқали амалга оширилади. Бу механизмларнинг қандай нисбатда бўлиши ҳазм безларининг ва ингичка ичакнинг функционал ҳолатига, уларнинг гистогематик баръерининг ўтказувчанлигига, чиқарув йўлидаги босим катталигига, уларнинг қон билан таъминланиш даражасига боғлиқ.

Жигар периферик қондаги гидролитик ферментлар микдорини доимийлигини сақлашда қуйидаги жараёнлар, қондаги гидролитик ферментларни активсизлантириш, депога ўтказиш, ферментларни синтезлаш ва қондан уларни рекреция қилиш орқали амалга оширади. Гипокинезия ва радиация гидролитик ферментларни қонга ташилиш механизмларига ва жигарнинг гомеостатик фаолиятини ўзгариши орқали фермент гомеостазига таъсир этади. Ушбу ишимиз шу жараёнларни ҳар хил ёшдаги каламушларда ўрганишга бағишлиланган, чунки ёш организмда бу механизмлар тўла шаклланмаган бўлса, қариларда уларнинг нисбати маълум даражада ўзгарган бўлиши мумкин.